

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ

2021 йил 25 октябрь куни Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларини эълон қилди.



Шу муносабат билан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси “Huno Arena” мажмуасида тадбир ўтказди. Унда партия

фаоллари ва партияга хайрихоҳ инсонлар қатнашди. Мониторларда Марказий сайлов комиссиясининг сайловнинг дастлабки натижаларига бағишланган матбуот ан-

жумани онлайн тарзда намойиш этилди. Дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Миромонович Мирзиёев сайловда қатнашган-

лар умумий сонининг 80,1 фоиз овози билан ғалаба қозонгани эълон қилинди. Тадбирга йиғилганлар бу хабарни хурсандчилик ва олқишлар билан кутиб олди.

Бу овозлар халқимиз ўз ҳаётида сезган натижалар ва келажакка ишонч учун берилган, дейиш мумкин. Чунки охириги беш йилда Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида катта масштабдаги ишлар қилинди. Янгиланиш кириб бормаган бирорта соҳа қолмади. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, ҳаёт талаб қилган маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Шу даврда мамлакатимиз иқтисодиёти 24 фоиз, sanoat 34 фоиз, экспорт ҳажми 1,5 баробар, хорижий инвестициялар ҳажми эса 3 баробар ошди. Ялли ички маҳсулотимиз 60 миллиард долларга етди. Ўртача ойлик иш ҳақи 2,2 марта кўпайди.

Худудларни ривожлантириш, sanoat ва хизматлар кўламини кенгайтириш учун имкониятлар яратилди. Юзлаб корхона ва заводлар, минглаб янги иш ўринлари пайдо бўлди. Улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Амалий натижадорлик, инсон манфаати ислохотларнинг бош мақсадига айланди. Ижтимоий йўналтирилган дастурлар амалга оширилди. Илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, оммавий ахборот воситалари, спорт соҳаларини ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилди.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МДҲ КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги кузатувчиларининг мамлакатимиздаги миссиясига бошчилик қилаётган МДҲ Ижроия кўмитаси раиси – Ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.

Учрашув аввалида МДҲ Ижрокўми раиси давлатимиз раҳбарини Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ишончли ғалабага эришгани билан самимий қутлаб, мамлакатимиз фаровонлиги ва раънақини таъминлаш йўлидаги фаолиятига катта муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги ва сайлов тартиботларини ривожлантиришда сезиларли ютуқларга эришилгани алоҳида таъкидланди.

МДҲ доирасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлиқни кенгайтириш масалалари ҳам кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Ҳамдўстлик маконида, энг аввало, иқтисодий йўналишда амалий ҳамкорлиқни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Хусусан, ташкилотнинг шу ойда видеоанжуман шаклида ўтказилган юбилей саммити якунида эришилган қелишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 18 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда маъқулланган

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 октябрь куни мамлакатимиздаги Президент сайловини кузатиш учун келган россиялик кузатувчилар делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Федерал Кенгаши Давлат думаси кўмитаси раиси Леонид Калашниковни қабул қилди.



Россия парламенти вакили Ўзбекистон етакчисини Президент сайловида ишончли ғалабага эришгани ва сайлов кампанияси муваффақиятли ўтказилгани билан дилдан қутлади. Сайлов жараёнларини илғор халқаро амалиёт ва стандартларга мувофиқ тайёрлангани ва ташкил этилгани борасида қилинган ишлар юксак баҳоланди.

Ўзбекистон — Россия стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантириш, кўп қиррали ҳамкорлиқни кенгайтиришнинг долзарб масалалари юзасидан фикр алмашилди. Парламентлар ўртасида яқин ва сермахсул мулоқот йўлга қўйилгани мамнуният билан қайд этилди.

Савдо, инвестиция, таълим, туризм ва маданият соҳаларидаги икки томонлама шериклиқни, шунингдек, МДҲ маконидаги минтақавий ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш учун катта имкониятлар борлиги таъкидланди.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашга қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 19 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 21 октябрда маъқулланган

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИ САЙЛОВДАГИ ҒАЛАБАСИ БИЛАН ҚУТЛАДИ

25 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоган, Қозоғистон Республикасининг Биринчи Президенти, Элбоши Нурсултон Назарбоев, Қозоғистон Республикаси Президенти Косим-Жомарт Тоқаев, Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, Қирғиз Республикаси Президенти Садиρ Жапаров, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко билан телефон орқали мулоқот қилди.

Етакчилар давлатимиз раҳбарини Президент сайловида қозongan ёрқин ва ишончли ғалабаси билан муборақбод этиб, унинг бўлажак фаолиятига катта зафарлар, Ўзбекистон халқига эса тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раънақ тиладилар.

Россия Президенти билан суҳбатда икки томонлама стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Олий даражадаги учрашувлар режаси кўриб чиқилди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳалардаги амалий ҳамкорлиқни кенгайтириш, шу жумладан, қўшма Ҳукуматларaro комиссиянинг бўлажак йиғилиши давомида истиқболли кооперация лойиҳалари ва дастурларини тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Режеп Таййип Эрдоган билан мулоқотда давлатимиз раҳбари Туркия Президенти ва бутун халқини ушбу мамлакатнинг яқинлашиб келаётган бош миллий байрами — Республика куни билан илқ қутлаб, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилади.

Олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши ва Туркий кенгаш саммитига тайёргарлик масалалари кўриб чиқилди.

Ўзарo савдони янада кўпайтириш, йирик инвестиция лойиҳалари портфелини кенгайтириш ва муҳим таълим дастурларини амалга ошириш борасидаги биргаликдаги саяҳатларнинг давом эттириш муҳим экани қайд этилди.

Қозоғистоннинг Биринчи Президенти, Элбоши билан мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ҳамда халқаро сийасатга оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларидаги улкан ҳамкорлик салоҳиятини ишга солишга хизмат қиладиган йирик қўшма лойиҳаларни жадаллаштиришга муҳим эътибор қаратилди.

Косим-Жомарт Тоқаев билан мулоқотда икки томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш ва кўп қиррали ҳамкорлиқни, энг аввало, иқтисодий йўналишда кенгайтириш

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Кеча Марказий сайлов комиссияси Матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Брифинг

Марказий сайлов комиссияси Раиси З. Низомхўжаев 24 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови халқаро мезонлар ва стандартларга мос миллий сайлов қонунчилигимизга, унда белгиланган очиклик, ошкоралик, эркинлик ва адолат каби умумэътироф этилган демократик тамойиллар асосида, кўтаринки рўйда ўтказилганини таъкидлади. Президент сайлови халқимиз юксак тафаккури ва доғнишмандлигининг ёрқин ифодаси бўлди. Ушбу муҳим

сийсий тадбир янги Ўзбекистонда барча соҳада, жумладан, сийсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий йўналишларда амалга оширилаётган изчил ва жадал ислохотларнинг узвий давоми, десак, муболага бўлмайдиган. Бешта сийсий партия ва уларнинг номзодлари ўртасида раънақобат муҳитида ўтган сайлов Ўзбекистонда эркинлик ва демократия амалда мустаҳкамланиб бораётганининг ёрқин намоишидир.



ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИДА ИШОНЧЛИ ҒАЛАБА ҚОЗОНДИ



Бу ишларни изчил давом эттириш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз ҳаётини янги босқичга кўтариш учун сайлов арафасида Янги Ўзбекистон стратегияси ишлаб чиқилди. Сайловчилар билан учрашувларда унинг мақсад-моҳияти тушунтирилди ва халқимиз бунга ишонди.

Тадбирда Шавкат Мирзиёев сўзга чиқиб, ўзига билдирилган юксак ишонч учун халқимизга миннатдорлик билдирди.

— Шундай улғу халқнинг ишончи мен учун катта бахт! Менга шунча ишонч билдириб, қўлаб-қувватлагани учун барча партиядошларимга, ёшларга, азиз фарзандларимга, мунис оналарим ва нуруний оталаримизга таъзим қилиб, раҳмат айтаман. Бу ишонч менга куч бағишлайди. Шу

билан бирга, ички дунём билан сезаманки, бу жуда катта масъулият ва жавобгарлик, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ҳозирги таҳликали замонда мураккаб синовлар кўп бўлгани, халқимиз жипслашиб, фидойилиги ва меҳнатсеварлиги билан улкан натижаларга эришәтгани қайд этилди.

— Охириги беш йилда қандай-қандай синовларни бошимиздан ўтказдик. Биз бу синовларда тобландик. Бир-биримизга меҳримиз ошди. Жипслашдик. Халқимиз бирлашса, нималарга қодирлигини бутун дунё яна бир марта кўрди, — деди Президент.

Бу йилги сайлов илк бор Сайлов кодекси асосида, демократик руҳда, очик-ошқора ўтгани таъкидланди.

— Кўплаб давлатлардан, катта халқаро таш-

килотлардан кузатувчилар келди. Улар хоҳлаган сайлов участкасига бориб, яратилган шароитларни, одамларимиз эртанги кунга бефарқ эмаслигини, сайловда фаол қатнашганини, оилалари билан келиб овоз берганини кўрди. Бу халқимизнинг руҳияти, кайфияти, сиёсий маданиятидан далолат. Жойлардаги учрашувларда одамлар ҳар бир соҳа бўйича, ўз шаҳри ёки тумани бўйича долзарб тақлифларни билдирапти. Танқидлар ҳам бўляпти. Бу ҳам ҳаётимиз ўзгаргани, демократик ислохотлар натижаси. Яна бир марта айтмоқчиман: орқага йўл йўқ. Энди Ўзбекистон фақат олға боради, — дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари барча хорижий ва маҳаллий кузатувчиларга, Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари аъзо-

ларига, оммавий ахборот воситалари вакиллари-га раҳмат айтди.

Президент сайловида бошқа сиёсий партиялардан илгари сурилган номзодларга ҳам миннатдорлик билдирди.

— Уларнинг ҳам нияти — Ўзбекистонни ривожлантириш. Шунинг учун уларнинг дастуридаги халқимизга маъқул тақлифларни албатта инобатга оламиз. Биз кеча рақобат қилган бўлсак, энди бир мушт бўлиб, ҳаракат қилишимиз керак. Мен халқимизнинг юксак ишончини оқлаш, орзу-умидларини ушалтириш, фаровон ҳаётини таъминлаш учун бор куч-ғайратим ва салоҳиятимни сарфлашга ваъда бераман. Янги Ўзбекистонни ҳаммамиз биргаликда кураимиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Ў.А.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИНИНГ ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ



— Бу галги Президент сайлови илк бор 2019 йилда қабул қилинган Сайлов кодекси асосида ўтди, — деди МСҚ Раиси З. Низомижонов. — Қолаверса, сайловнинг ўзига хос жиҳатларидан яна бири, бу — сайловчиларимизнинг фуқаролик масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларга дахлдорлик туйғусининг янада ошганлиги билан боғлиқ. Сайлов Ўзбекистон халқининг юксалиб бораётган сиёсий тафаккурини, ижтимоий фаоллиги ва маданий савиясини яна бир бор аққол намоён этди.

Брифингда сиёсий партиялар ва Президентликка номзодлар учун сайлов кампанияси даврида сайловолди ташвиқоти учун тенг ва кенг имкониятлар яратилгани, қолаверса, сайлов участкаларида пандемия шароитида аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, сайловчилар ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун зарур шароитлар муҳайё этилгани таъкидланди.

Шу билан бирга, сайловни нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ҳамда Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси, ШХТ, МДХ ва МДХ Парламентлараро Ассамблеяси, Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгаши, Туркий кенгаш Парламент ассамблеяси, Ислом ҳамкорлик ташкилоти каби йнгирмага яқин халқаро ташкилотлардан ва элликка яқин хорижий давлатлардан жами мингга яқин халқаро кузатувчилар ҳамда маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 1 минг 672 нафар вакили бевосита кузатди ва ёритиб борди.

Халқаро кузатувчилар ва оммавий ахборот воситаларининг бундай кенг қўлмали иштироки Ўзбекистонда ўтган сайловлар тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Шунингдек, сайловда қатнашган бешта сиёсий партиядан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан 64 минг 450 нафар вакил сайловни бевосита кузатиб борди. Илк маротаба мамлакатимизнинг туман ва шаҳарларидаги 207 та сайлов участкасига ўрнатилган 414 та видеокамера орқали узатилган онлайн трансляцияни миллионлаб одамлар кузатиб бориш имкониятига эга бўлди. Минглаб сайлов участкаларидан журналистлар томонидан теле ва радио, фоторепортажлар, интервьюлар ҳамда хабарлар мунтазам узатиб турилди. Интернетдаги ижтимоий тармоқлар, веб-сайтлар орқали бутун дунёга намойиш қилинди.

Сайлов кампанияси даврида Марказий сайлов комиссиясининг Матбуот маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимларида сайлов жараёнининг барча иштирокчиси учун кенг медиа-майдон яратилди. Уларда юзлаб матбуот анжуманлари, брифинглар, интервьюлар, учрашувлар ўтказилди. Сайлов кампаниясига старт берилган кундан буён хорижий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида жами 76 мингдан ортиқ материаллар эълон қилинди. Матбуот анжуманлари ҳамда брифингларда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг раҳбарлари, Олий суд раиси, Бош прокурор, ички ишлар ҳамда ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлари, округ сайлов комиссиялари раисларининг ахборотлари мунтазам тингланди.

Тадбирда сайловчилар рўйхатиға киритилган жами сайловчилардан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида чет элларда овоз берган ватандошларимиз билан бирга ҳисоблаганда 16 миллион 212 минг 343 нафар сайловчи қатнашгани қайд этилди. Бу сайловчилар умумий сонининг 80,4 фоизи, дегани. 421 минг 176 нафар сайловчи шу йилнинг 14 октябрдан 20 октябригача ўтказилган муддатидан олдин овоз бериш имкониятидан фойдаланди.

Брифингда ўтказилган сайлов бўйича қонунчилик талаблари қўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар ва маълумотлар тушмагани, лекин Марказий сайлов комиссиясига сайловчилар ҳамда ижтимоий тармоқлардан сайловни ўтқизиш жараёнига доир ҳолатлар бўйича муайян муножаатлар келиб тушгани, уларнинг барчасини қонунда кўрсатилган муддат ва тартибда кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш юзасидан тегишли чора-тадбирлар кўрилатгани айтиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов ўтказувчи сайлов участкаларининг барчасида сайлов бюллетенлари санаб чиқилди.

Дастлабки натижаларга кўра, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод Баҳром Абдурахимович Абдухалимовни овоз беришда қатнашган умумий сайловчиларнинг 3,4 фоизи, Ўзбекистон Экологик партиясидан кўрсатилган номзод Нарзулло Наимович Обломуродовни 4,1 фоизи, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан кўрсатилган номзод Алишер Келдиевич Қодировни 5,5 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзод Максуда Азизовна Ворисовани 6,6 фоизи, шунингдек, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Шавкат Миронович Мирзиёевни 80,1 фоизи ёқлаб овоз берган.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексига кўра, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг ярмидан қўпининг овозини, яъни 50 фоиздан ортиқ овоз олган номзод Президент этиб сайланган, деб ҳисобланади.

Ушбу маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, 2021 йил 24 октябрь кўни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Шавкат Мирзиёев энг кўп овоз олиб, ишончли ғалаба қозонди.

Брифинг иштирокчиларига ҳозирги вақтда Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган баённомалар ҳамда бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани ҳақида ахборот берилди. Шундан сўнг Марказий сайлов комиссияси сайлов яқунлари тўғрисида қарор қабул қилади.

«Халқ сўзи».

«ЎЗБЕКИСТОН САЙЛОВГА ТАЙЁРГАРЛИК ВА УНИ ЎТҚАЗИШ БЎЙИЧА СЕЗИЛАРЛИ ЮТУҚЛАРГА ЭРИШГАН»

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХХТ)нинг Парламент Ассамблеяси, ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ҳамда Европа парламентларининг кеча бўлиб ўтган қўшма матбуот анжуманида халқаро кузатувчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловиға ана шундай баҳо берди.

Таъкидлаш жоизки, Марказий сайлов комиссиясининг тақлифига биноан, ЕХХТ ДИИХБ, ЕХХТ Парламент Ассамблеяси ва Европа парламентининг қўшма миссияси илк маротаба юртимизда Президент сайловини кузатди.

ЕХХТ ДИИХБ миссияси Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиши шу йилнинг 15 сентябрдан бошлаганди. Миссия 17 нафар кишидан иборат асосий гуруҳ, ўттиз нафарга яқин узок муддатли кузатувчилар ҳамда ЕХХТга аъзо мамлакатлардан келган 207 нафар қисқа муддатли кузатувчи сайлов кўни овоз бериш жараёнини кузатди.

Бундан ташқари, ўттизга яқин мамлакатлардан юз нафарга яқин депутат-кузатувчилардан иборат ЕХХТ Парламент Ассамблеяси делегацияси ҳамда ЕХХТ ПА президенти Маргарета Седерфелт ва бош қотиби Роберто Монтелла ҳам илк маротаба Ўзбекистон Президенти сайловини кузатиш учун мамлакатимизга ташриф бурди.

Бундан ташқари, 12 нафар де-

путатдан иборат Европа парламент кузатувчиси ҳам ЕХХТ ДИИХБ миссиясига қўшилди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда бўлиб ўтган сайловни кузатиш учун қўшма миссияда 44 мамлакатдан жами 365 та кузатувчи қатнашди.

ЕХХТ ДИИХБ миссияси раҳбари Оуэн Мерфи сайловнинг ўтказилишига кузатувчи сифатида тақлиф қилгани ва қўлаб-қувватлагани учун Ўзбекистон ҳукуматиға миннатдорлик билдирди.

Қайд этилдики, сўнгги йилларда Ўзбекистон сайловга тайёргарлик ва уни ўтқазиш бўйича сезиларли ютуқларға эришган. Бунинг учун сайлов қонунчилиги соҳасида жиддий ислохотлар ўтказилди. Бу ЕХХТ ДИИХБнинг қатор тавсиялари жорий қилинишига шароит яратди.

Анжуманда ушбу муҳим сиёсий тадбир халқаро стандартларға мос ҳолда ўтказилгани, пандемия шароитига қарамай, МСҚ ўз фаолиятини қонунчиликда кўрсатилган муддат ичида профессионал даражада сифатли ҳамда самарали бажаргани таъкидланди.

Кузатувчиларнинг қайд этилгани, Ўзбекистондаги медиа-муҳит кўп сонли давлат ва хусусий ОАВ билан тавсифланди. Медиа-муҳитнинг яхшиллангани, сўнгги йилларда ахборотдан фойдаланиш ва мамлакатда содир бўлган воқеаларни танқидий ёритиш имконияти кенгайтирилгани таъкидланди.

Ҳокимият органлари, ўз ахборот хизматларини ривожлантириш орқали тизимли равишда ОАВ билан ўзаро ҳамкорлиқни такомиллаштираётгани, мунтазам равишда матбуот анжуманлари, брифинглар ва ахборотга оид бошқа тадбирларни ўтказаятгани айтиб ўтилди.

Шунингдек, ЕХХТ ДИИХБ миссиясининг Президент сайловини кузатиш натижалари бўйича тақдим қилган дастлабки ҳисоботида жорий йилнинг май ойидан августига қадар, сайлов комиссиялари аъзолари учун онлайн ва офлайн форматда қатор тренинглар ўтказилгани эътироф этилди. Айни дамда, тренинглар формати, дарвомилийги ва жадвали сезиларли даражада фарқли шакллантирил-

ган, бу сайлов комиссиялари аъзоларининг профессионал қўникмаларини оширишға хизмат қилган.

Сайлов комиссиялари аъзолари учун ЕХХТ, БМТ Тараққиёт дастури, Демократия ва ҳуқуқ институти экспертлари иштирокида тренинглар ҳам ўтказилди. Уларда округ сайлов комиссиялари раислари, уларнинг ўринбосарлари, қотиблар ва аъзолари иштирок этди. Семинарлар Давлат бошқаруви академияси, Тошкент давлат юридик университети профессор-ўқитувчилари таркибидан ташкил топган эксперт гуруҳи томонидан ишлаб чиқилган ўқув дастури ва ўқув-услубий материаллар асосида ўтказилди.

Экспертлар ҳулосасига кўра, ЕХХТ ПА, ЕХХТ ДИИХБ ва Европа парламентлари номидан бундай нуфузли делегациянинг сайловда қатнашиши Ўзбекистонда кейинги йилларда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар халқаро ҳамжамият томонидан тан олингани ҳамда қўлаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Халқаро кузатувчилар:

САЙЛОВ ДЕМОКРАТИК ҚОИДАЛАРГА МОС БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий қонунчилик талаблари асосида умумэтирофдаги демократик тамойилларға мос тарзда бўли. Бунинг жараёнини кузатиш учун мамлакатимизға келган халқаро кузатувчилар ҳам алоҳида эътироф этмоқда.

Муҳбиримиз уларнинг айримлари фикрлари билан қизикди.

Фарит МУХАМЕТШИН, Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Кенгаши Халқаро ишлар бўйича қўмитаси раисининг ўринбосари:



сайловға пухта тайёргарлик қўрилган. Бунга ўзим ўнға яқин сайлов участкаларида бўлиб, уларда сайловчилар учун барча шароит яратилганиға гувоҳ бўлдим.

Яна бир жиҳат, бу — сайлов қонунчилиги билан боғлиқ. Бу йилги сайлов Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида ўтказилди. Бу эса ушбу муҳим сиёсий жараён тўлиқ халқаро принципларға мос ҳолда, очик-ошқора ва холис ўтганини англатади. Электрон овоз бериш тизимини ҳам босқичма-босқич татбиқ этиб бориш мақсадға мувофиқдир.


Кузатувчи сифатида айтишим мумкинки, Ўзбекистон Президенти сайловида жиддий камчиликларни кузатмадим, аксинча, сайлов юксак демократик тамойиллар асосида, юқори савия ва кўтаринки руҳда ўтди.

Айгул КУСПАН, Қозоғистон Республикаси Парламенти халқаро ишлар, мудоғаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:

— Бугунги кунда мамлакатингизда кечаётган туб ислохотлар эътиборға лойиқ. Бу ижтимоий-иқтисодий соҳада аққол кўзға ташланган. Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари яқин қўшничилик ҳамда стратегик шерикликка асосланган.



Уве ПРОЛЛ, халқаро кузатувчи (Германия):



— Ўзбекистон улкан бунёдкорликлар қуршовидаги мамлакат эканиға амин бўлдим. Овоз бериш кўни Тошкент шаҳрининг тўртта туманидаги сайлов участкаларида бўлдим. Очиги, таассуротларим бир олам. Сайловчиларнинг фаоллиги, ўз хоҳиш-иродаларини эркин билдираётганини кузатдим. Барча жараён

очик-ошқора, шаффоф ташкил этилган.

Менинг эътиборимни тортган яна бир нарса — сайловда ёши катталар ҳам фаол қатнашгани бўлди. Бунинг барчаси Ўзбекистон аҳолисининг мамлакат келажагига бефарқ эмаслиги, сайлов қонунчилиги мукаммаллигидан далолат беради. Қолаверса, Брайль алифбосида ҳам бюллетенлар шай қилиб қўйилгани эътиборға молик. Бу эса мамлакатингизда инсон юксак қадрланишини англатади, албатта.

Фатма Мерахед Бадави РАМАДАН, «Al-Axbar al-masayyi» газетаси бўлим бошлиғи (Миср):

— Ўзбекистонға учинчи марта келишим. Ҳар келганимда барча соҳада катта ўзгаришлар бўлаётганини кузатаман.

Ўзбекистон янги давр оstonасида турибди. Унинг ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён ана шу босқичнинг асосий тамойилини белгилаб беради. Бу аксарият хорижлик журналистлар қатори менин ҳам қизиқишимға сабаб бўлди.

Сайлов бўйича фикрим ихобий, сабаби фуқаролар жуда фаол иштирок этди. Бунинг ўзим кузатган сайлов участкаларида кўриб, гувоҳи бўлдим. Бир сўз билан сайлов муваффақиятли амалға оширилди, деб ҳисоблайман. Дарвоқе, сайлов участкаларида она ва бола оналари ташкил этилгани эътиборини тортди. Кузатиб турдим: бир оила бўлиб келишса-да, ҳар бир фуқаро алоҳида-алоҳида ўз овозини берди. Яна бир жиҳат, сайловда янги сиёсий технологиялардан унмол фойдаланилгани эса яна бир эътиборли томонлардан биридир.

Умуман, мамлакатингиздаги сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотлар юқори баҳо-ларға лойиқ.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча киритиш ҳақида



1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Президенти фаолиятининг асосий кафолатлари тўғрисида»ги 480–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3–4, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 1, 4¹-модда; 2019 йил, № 2, 47-модда; 2021 йил, 4-сонға илова) қуйидаги мазмундаги **1¹-модда** билан тўндирилсин:

«1¹-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий рамзлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгиси ва штандартиға (байроғига) эға бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг белгиси ва штандарти (байроғи) тавсифи, улардан расмий фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунға мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунға зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларға етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 25 октябрь № ЎРҚ—724

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига аҳолини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан кафолатли таъминлашға қаратилган қўшимча киритиш тўғрисида



1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрда қабул қилинган ЎРҚ—599-сонли Қонуни билан янги таҳрирда тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, 12-сонға 1-илова; 2020 йил, № 3, 198-модда; № 10, 593-модда; № 11, 652-модда; № 12, 690, 691-моддалар; 2021 йил, № 1, 6-модда, № 4, 294-модда, 4-сонға илова, № 8, 800-модда, № 9, 901-модда) **483-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўғқизинчи қисм** билан тўндирилсин:

«2021 йилнинг 10 октябридан 31 декабриға қадар бўлган даврда гўшт (мол, қўй, товуқ), тирик ҳайвонлар (қорамол ва парранда) ва уларни сўйишдан олинган маҳсулотларни, картошкани ҳамда музлатилган балиқни реализация қилиш бўйича айланма, шунингдек уларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудиға олиб кириш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунға мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунға зид бўлган ўз норматив-хуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин; ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларға етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

Ушбу Қонуннинг қоидалари 2021 йил 10 октябрдан эътиборан юзғаға келадиған муносабатларға нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2021 йил 25 октябрь № ЎРҚ—725

САЙЛОВ УМУМЭЪТИРОФДАГИ ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ЎТДИ

Мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбир — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови шаффоф, адолатли ва ҳолисона ўтказилди. Бунни юртимизга келган чет эллик кузатувчилар ва нуфузли халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари ҳам эътироф этмоқда.

Олий Мажлис Сенати раҳбарияти айна пайтда мамлакатимизда бўлиб турган хорижлик кузатувчилар, халқаро ташкилотлар миссиялари вакиллари билан учрашувлар ўтказмоқда.

Мулоқот

Парламентлараро муносабатлар чуқурлашиб бормоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Европа парламенти раиси ўринбосари Хайди Хаутала бошчилигидаги делегация билан учрашди.

Европарламент делегацияси аъзолари сайлов халқаро талаблар асосида очик ва ошкора ўтганилигини таъкидлади. Айни пайтда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқини таъминлаш учун барча шароит, жумладан, кексалар, ногиронлиги борлар ва овоз бериш чоғида шифохонада даволанаётган сайловчилар учун ҳамма қўлайлик яратилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Уларнинг фикрича, бу галги сайлов аввалгиларидан тубдан фарқ қилди. Сайлов жараёнида халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлардан мингта яқин кузатувчилар, қўллаб-қувватлов ахборот воситалари вакиллари иштирок этгани ҳам бу сиёсий тадбирнинг шаффофлигини таъминлашга хизмат қилди.

Европарламент аъзоси Ришард Чарнецкийнинг таъкидлашича, Ўзбекистонда сайлов шаффоф ва тартибли ўтди. Мамлакатда Президент сайловини кузатиш ва ўтказиш учун барча шароит яратилган, эркин овоз бериш учун ҳам ҳамма қўлайлик мавжуд. Қўп сонли халқаро кузатувчилар ҳулосаси шуки, ушбу сиёсий тадбир республиканинг очиклиги, ошқоралик ва демократияни таъминлаш истагини яққол намойиш этди.

Учрашув давомида меҳмонларга сўнгги беш йил ичида амалга оширилган ислохотлар, жумладан, фуқаролик жамияти асосларини мустаҳкамлаш, сайлов қонунчилигини ислох қилиш, гендер тенглигини таъминлаш борасидаги ютуқлар ҳақида маълумот берилди.

Томонлар Ўзбекистон ва Европарламент ўртасидаги ҳамкорлиқни ривожлантириш, Европа Иттифоқи билан савдо-иқтисодий ва сармоявий алоқаларни ривожлантириш ҳамда таълим ва илмий тадқиқотлар борасидаги муносабатларни кенгайтириш масалаларини ҳам қўриб чиқди.

Европа парламенти раиси ўринбосари Хайди Хаутала таъкидлаганидек, 2016 йилдан буён Ўзбекистоннинг бутун дунё учун очиклигини қўриб-билиб турибмиз. Шу боис ҳам парламентлараро алоқаларимиз чуқурлашиб бормоқда. Биз Ўзбекистон парламенти билан ўзаро муносабатларнинг янги йўналишларига тайёргарлик қўряпмиз. Узоқ муддатли ҳамкорлик доирасида Европа парламенти олдига катта истикболлар очилмоқда. Биз юртингиздаги ислохотларни тақомиллаштиришга ёрдам беришга тайёرمиз. Президентлик сайлови ҳақида айтадиган бўлсам, бу муҳим сиёсий тадбир янги қондлар асосида, янги шароитда, янгиланган форматда ўтказилди.

Учрашувда томонлар ўзаро манфаатли барча соҳада ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканликларини билдирди.

Фуқаролар ўз келажаги учун овоз берди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева Козогистон Республикаси Парламенти Сенатининг Ижтимоий-маданий ривожланиш ва фан масалалари қўмитаси ва ЕХҚТ Парламент Ассамблеяси миссияси аъзоси Акмарал Алназарова билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистонда сайлов жараёни тақомиллашгани, хусусан, кўчи кеча бўлган муҳим сиёсий воқеа — Президент

сайлови юқори савияда ўтгани, овоз бериш жараёни халқаро андозаларга тўла мос келиши алоҳида қайд этилди.

А. Алназарованинг фикрича, Ўзбекистонда ўтган Президент сайловида сайловчилар иштироки юқори даражада бўлди. Бу юртингизда сайловолди кампанияси яқини ташкил этилганлиги далолат беради. Қўллаб-қувватлов давлатлари ва қатор халқаро ташкилотлар кузатувчилари сайлов жараёнида қатнашгани эса жаҳон ҳам-жамиятининг бу заминга бўлган катта қизиқиши ва эътиборининг тасдиғидир.

Т. Норбоева таъкидлаганидек, сайлов мамлакат истиқболини, унинг тараққиётини белгилашда муҳим роль ўйнайди. Зеро, унда фуқаролар ўз келажаги учун овоз беради. Юқори савияда ўтган Президент сайлови мисолида бунга яна бир бора амин бўлиб турибмиз.

Конструктив мулоқот ва ўзаро ишонч руҳида кечган учрашувда парламентлараро, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни кенгайтириш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадларини таъминлаш доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида гендер тенгликка эришиш йўллари, кадриятларни асраб-авайлаш ва оилаларни мустаҳкамлашда муҳим бўлган маҳалла институти-



нинг ўрни хусусида ҳам фикр алмашилди. Шу нуктаи назардан, гендер тенгликка эришиш, хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар учун инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ҳамкорлиқни янада кучайтириш йўналишлари муҳокама қилинди.

Учрашувда томонлар ўзаро қизиқиш йўтотган бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашди.

Илмий-тадқиқот марказлари ўртасида алоқалар мустаҳкамланади

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Соҳиб Сафоев Президент сайловида кузатувчи сифатида қатнашган Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази директори Фархан Низомий билан учрашди.

Учрашувда кейинги йилларда юртимизда барча соҳада олиб борилаётган исчил ва кенг қўламли ислохотлар, жамият ҳаётида очиклик ва ошқоралик тамойиллари мустаҳкам қарор топаётганига эътибор қаратилди. Шу билан бирга, сайлов қонунчилигидаги ўзгаришлар юзасидан маълумот берилди, хусусан, Сайлов кодекси қабул қилингани, бу галги сайлов ушбу ҳужжат асосида юқори савияда ташкиллаштирилгани алоҳида айтиб ўтилди.

Ф. Низомий Ўзбекистонда амалга

оширилаётган сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларни юқори баҳолаб, 24 октябрда бўлиб ўтган Президент сайлови жараёни юқори савияда уюштирилганига ҳам урғу берди.

Учрашувда Ўзбекистонда диний қадриятларни ривожлантириш, Марказий Осиё буюк алломаларининг илмий меросини ўрганиш ва оммалаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан ҳам фикрлашилди. Халқаро майдонда “маърифатли ислом” голярини кенг тарғиби қилиш, Оксфорд ислом тадқиқотлари маркази ва Ўзбекистоннинг тегишли тадқиқот марказлари ўртасида илмий тадқиқот йўналишидаги ҳамкорлиқни янада кучайтириш зарурлиги таъкидланди.

Таълимга доир меморандум имзоланди

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиде Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоевнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Парламент Ассамблеяси Кенгаши бош котиби ўринбосари Д. Кобицкий билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқотда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконидаги илмий соҳада интеграцияни мустаҳкамлаш зарурлиги таъкидланди.

Ўз навбатида, Д. Кобицкий халқаро ташкилот котибияти ҳамдўстлик ҳудудида Ассамблея ишининг асосий йўналиши — модель қонунчилиги ва сайловни кузатиш борасида экспертлар қўмитани кенгайтиришдан манфаатдор эканини билдирди.

Учрашувда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетини ҳамда МДҲ ПА ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Томонлар бу ҳужжат таълим соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилишни таъкидлади.



Мамлакатларимизни дўстлик ришталари боғлаб туради

Кеча Олий Мажлис Сенати Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев Озарбайжон Республикаси Миллий Мажлиси маданият масалалари бўйича раиси Ганира Пашаева билан учрашди.

Мулоқотда Ф. Пашаева сайлов очиклик ва ошқоралик тамойиллари асосида юқори савияда ўтгани, пандемия муносабати билан ҳар бир сайлов уқастасида карантин талабига тўлиқ риоя қилингани, Ўзбекистон фуқаролари, хусусан, ёшларнинг фаоллиги яққол кузатилганини таъкидлади.

Ўз навбатида, Б. Сайфуллаев мамлакатимиз сайлов қонунчилиги исчил тақомиллаштириб борилаётгани ҳамда Ўзбекистонда сўнгги йилларда амалга оширилаётган жадал ислохотлар ҳақида атрафчида маълумот берди.

Учрашувда таъкидланганидек, мамлакатларимизни дўстона муносабатлар боғлаб туради, барча соҳада ҳамкорлик тобора исчиллик касб этиб бораётир. Бунда икки давлат парламентлари ҳам муҳим ўрин тўймоқда.

Шунингдек, мулоқот чоғида маданият ва санъат, зибёр туризми, гендер тенглик, икки халқ аънаълари ҳамда маданий қадриятларини оммалаштириш бўйича қўшма лойиҳалар тайёрлашда ўзаро ҳамкорлик қилиш масалалари ҳам қўриб чиқилди.

«Халқ сўзи».

Халқаро кузатувчилар: САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИ ЮКСАК САВИЯДА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нурдинжон Исмоилов юртимизда муҳим сиёсий жараён — Президент сайловида кузатувчи сифатида қатнашган Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Давлат думасининг МДХ ишлари, Евроосиё интеграцияси ва ватандошлар билан алоқалар қўмитаси раиси Леонид Калашников бошчилигидаги делегация аъзолари билан учрашди.

Мулоқот аввалида меҳмонларга кейинги йилларда мамлакатимизда барча соҳада олиб борилаётган исчил ва кенг қўламли ислохотлар, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг фаолияти, жумладан, қўйи палата фракциялари ва қўмиталари иш услублари хусусида батафсил маълумот берилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси, унинг мазмун-моҳияти, аҳамияти, мазкур ҳужжатда ўз ифодасини топган янгиланган ҳақида ҳам ахборот берилди.

Ўз навбатида, Л. Калашников самимий учрашув учун миннатдорлик билдирди, Ўзбекистонда амалга оширилаётган сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни юқори баҳолади. Икки томонлама ҳамкорлиқни ривожлантиришда ишончли муҳитинг яратилишига қаратилган парламентлараро алоқаларни янада яхшилаш, сиёсий мулоқотлар мунтазамлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Конструктив, ўзаро ишонч руҳида ўтган учрашув якунида парламентлараро ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари юзасидан қатор тақриф ва тавсиялар берилди.

ТҲРКИЯ БУЮК МИЛЛАТ МАЖЛИСИ ВАКИЛИ БИЛАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Түркия Буюк миллат мажлиси депутаты Осман Местен билан учрашув бўлиб ўтди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси ўринбосари К. Жураев меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлаб, мазкур учрашув икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги босқичида муҳим ўрин тутиши, айниқса, парламентлараро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

2016 йил 4 декабрдаги Президент сайловидан сўнг ўтган беш йил мобайнида халқимиз, мамлакатимиз ҳаётида, жамиятимизда, миллий сайлов қонунчилигида бўлган улкан ўзгаришлар ҳақида сўзлаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва сайлов қонунчилигига сайлов жараёнини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш бўйича ўзгариш ҳамда қўшимчалар киритилгани, парламент ва сиёсий партиялар ўрнининг қонуний ҳижатдан қучайтирилгани таъкидлаб ўтилди.

Ўз навбатида, туркиялик меҳмон сайловнинг конституциявий қондларига ва халқаро стандартларга мувофиқ ўтганилигини алоҳида қайд этди.

Учрашувда сўнгги йилларда Ўзбекистон — Түркия муносабатлари икки томонлама ва қўп томонлама ҳамкорлик шаклида жадал ривожланиб бораётгани, хусусан, парламентлараро алоқалар сезиларли даражада жонлиб, мунтазамлик касб этаётгани таъкидланди. “Ўзбекистон —



ЮРТИМИЗДА РЎЙ БЕРАЁТГАН ЎЗГАРИШЛАР ЮҚОРИ БАҲОЛАНДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари Акмал Саидов Европа парламенти депутати Тьерри Мариани билан учрашди.

А. Саидов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Олий Мажлис қўйи палатаси фаолияти, унинг қўмиталари ва фракциялари иш услублари ҳамда парламентаризм соҳасидаги янгиланган ҳақида тўхталиб ўтди.

Сўхбат чоғида делегация аъзоларига Ўзбекистонда демократик давлат қуриш борасида амалга оширилаётган исчил ислохотлар, ҳар томонлама пухта ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташки сиёсатнинг устувор йўналишлари тўғрисида сўзлаб берилди.

Т. Мариани Ўзбекистонда рўй

бераётган ижобий ўзгаришларни, амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар натижаларини ижобий баҳолаб, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорлиқни таъминлаш, савдо-иқтисодий ҳамкорлиқни ривожлантиришда Ўзбекистон алоҳида ўрин тутишини таъкидлади.

Томонлар Ўзбекистон билан Европа парламенти ўртасидаги ҳамкорлиқнинг бугунги ҳолати ва истикболлари юзасидан ҳам фикр алмашди.

Учрашувда томонларни қизқтирган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Президент сайловиға тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш учун юртимизга келган Қирғизистон Республикаси Жогорку Кенеші депутатлари Илхом Маннанов, Азизбек Турсунбаев билан учрашув бўлиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Эркин Зоҳидов меҳмонларга таъриқийётинг янги даврида юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, меҳмонларни Ўзбекистондаги муҳим сиёсий жараён — Президент сайлови тўғрисида батафсил ахборот билан таништирди.

Таъкидланишича, бу галги Президент сайловининг ўзига хос жиҳати шундаки, у Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгаришга мувофиқ, илк мартаба октябрь ойида ўтказилди. Яна бир муҳим янгиллик — 2021 йилги Президент сайлови Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодекси асосида бўлиб ўтди.

Учрашув давомида юртимизда кечган сайлов жараёни юқори савияда ташкил этилгани, янги сиёсий технологиялардан унумли фойдаланилгани, ахборотнинг сиёсий маданияти юксалиб бораётгани, хусусан, илк бор овоз бераётган ёшларнинг фаоллиги кузатилгани таъкидлаб ўтилди. Айниқса, жисмоний имконияти чекланган сайловчиларга яратилаётган шароитлар эътиборга молик экани қайд этилди.

«Халқ сўзи».

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛИЙИ — ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Вақт синовидан ўтган, барчамизга маълум ҳақиқат борки, бу ҳар қайси жамиятининг маданий даражаси унинг аёлларга нисбатан муносабати билан белгиланишидир. Зеро, аёлга муносабат — миллат, давлат, эртанги кун ва келажақ авлодга бўлган ҳурматни намойён этишнинг асосий мезони.

Нуктаи назар

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат ва турмуш шароитини яратиб бериш, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар натижа-сида улар жамиятимизнинг янада фаол қатламига айланди. Айниқса, илмий тадқиқот, тиббиёт ва таълим муассасалари, sanoat корхоналари, фермер хўжалиқлари, кичик бизнес субъектлари, қўйиники, барча соҳада раҳбар аёллар сафи тобора кенгайиб бормоқда.

Эътибор беринг, дунё давлатларида деярли учрамайдиган ҳолат: мамлакатимизда Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши ҳамда Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадили жағмармаси фаолият юритмоқда. Республика хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашининг асосланган ҳисоб-китоблариға мувофиқ жағмармага ҳар йили 300 миллиард сўмгача миқдорда Давлат бюджети маблағлари ажратилмоқда.

Шунингдек, тегишли дастурларни муваффақиятли ўзлаштирган хотин-қизларга туман (шаҳар) маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими бошлигининг биринчи ўринбосари тавсиясига қўра, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш учун ўз илгача муддат ва б ойгача имтиёзли давр билан Марказий банкнинг асосий ставкасида БҲМнинг 150 бараваригача миқдорда кредитлар берилияпти.



Юртимизда эҳтиёжманд хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш, улар ўртасида тадбиркорлиқни ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш борасида ҳам қатор самарали ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, расмий маълумотларга қўра ҳудудларда шакллантирилган “аёллар дастфари”га киритилган 432 минг 781 нафар хотин-қизнинг рўйхати халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларининг сессияларида тасдиқланган. Ушбу “дафтар”га киритилган 432 минг 275 нафар хотин-қизга амалий ёрдам қўрсатилган.

Хусусан, 251 минг 363 нафар ижтимоий ҳимояга мўтжоз ишсиз хотин-қизлар доимий даромад манбаига эга бўлишига кўмаклашилган, 36 минг 697 нафар бовувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизга 27 миллиард 572 миллион сўм, 29 минг 40 нафар ногиронлиги бўлган ва ўзгалар парварishiға мўтжоз хотин-қизга 21 миллиард 58 миллион сўмлик моддий ёрдам белгиланган тартибда тўлаб берилган. 4 минг 164 нафар ушбу хотин-қизларни таъмирлашга мўтжоз 1 гуруҳ ногиронлиги бўлган хотин-қизларга моддий ёрдам берилиб, ушбу-йойлари таъмирланган.

Шунинг баробарида, “аёллар дастфари”га киритилган хотин-қизлар билан ишларининг иккинчи босқичида эса 19 мингдан зиёд хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган, шулардан 1 минг 123 нафари тадбиркорликка жалб этилган ва кредит оли-

қомини қучайтиришга қаратилган 24 та ҳужжат, жумладан, 2 та қонун, ўнга яқин Фармон, Вазирлар Маҳкамасининг 16 та қарори қабул қилинди.

Шу билан бирга, Олий Мажлис Сенатиде Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссия тузилиб, улар бевосита хотин-қизлар масалаларида олиб борилаётган ислохотлар исчиллигини ва белгиланган режалар ижросини таъминлаш, оилани мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий фаоллигини ошириш, соҳага оид қонун ҳужжатларини тақомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишдаги давлат дастурларини ҳаётга исчил татбиқ этишда фаол қатнашмоқда.

Олий таълимдаги қатор ижобий ўзгаришлар ҳам бевосита гендер тенглигини жорий этишга хизмат қилмоқда. Жумладан, 2017 йилдан бошлаб ақсарият олий ўқув юртларида турли мутхассисликлар бўйича сиртки бўлимлар фаолияти тикланди. Таълимнинг ушбу шакли ёш аёлларга боаларни парварishi қилиш ва бошқа оилавий мажбуриятларни баҳаришга халал қилмасдан олий маълумот олиш имкониятини беришмоқда.

Албатта, ҳали бу борада қиладиган ишларимиз кўп. Айниқса, аёллар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини, аёлларнинг ҳимоя қилишининг институционал асосларини тақомиллаштиришимиз, ахборотнинг гендер тенглик ва аёллар ҳуқуқлари тўғрисида хабардорлигини ошириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётида уларга риоя этилишини таъминлаш учун масъул мансабдор шахсларни тегишли ҳуқуқий меъёрлар

асосида ўқитиш тизимини жорий қилиш зарур.

Бугунги кунда Ўзбекистон 2030 йилгача бўлган даврда Барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш бўйича, жами 17 та белгиланган мақсаддан 16 та мажбуриятни ўз зиммасига олган ва унинг баҳарилишида фаол иштирок этиб келмоқда.

Мазкур стратегик ҳужжатнинг 5-мақсади айнан гендер тенглик бўлиб, бу борада 2019 йилнинг 2 сентябрь куни “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги ҳамда “Хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари қабул қилингани фикримиз тасдиғидир. Ушбу ҳужжатларда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида ўзаро тенглик тамойилларини таъминлаш ҳамда хотин-қизларни таълим ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари аниқ белгилаб берилган.

Бугун жамиятимизда огрикчи бир ҳолат — аёлга нисбатан зўравонлик, афсуски, учраб турибди. Биргина 2020 йилда оилаларда ўтказилган сўхбатлар орқали зўравонликдан жабрланган ва таъзияқча учраган 14 минг 774 нафар хотин-қиз аниқла-ниб, барчасига “ҳимоя ордери” расмийлаштирилган ва уларнинг ҳуқуқлари масъул давлат органлари томонидан ҳимояга олинди. Бу эса жуда катта рақам. Биз биргина аёлга ёки биргина қизга нисба-тан зўравонлиқни ҳам миллат фожiasi си-фатида қабул қилишимиз ва унга қарши кескин курашишимиз лозим. Ана шундан-гина бу иллатни таг-томири билан йўқота оламиз. Бундай саъй-ҳаракатларнинг бир қўриниши сифатида юртимизнинг туман-шаҳарлар ИИБда 400 га яқин аёл инспек-

тор лавозимлари жорий этилиб, улар фаолияти йўлга қўйилгани кишини қувонтиради, албатта.

Юртимизда демократик ислохотларни амалга ошириш ҳамда фуқаролик жамия-тини шакллантиришда хотин-қизларнинг тенг иштирокини таъминловчи тегишли меъёрий-ҳуқуқий база яратилган ва у йилдан-йилга тақомиллаштириб бориляпти. Шундай эътибор ва ғамхўрликлар самараси ўлароқ, бугунги кунда мамлакатимизда турли соҳа ва тармоқларда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг 45 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Масалан, давлат ва жамоат ташкилот-лари тизимида 1 минг 400 га яқин опа-сингилларимиз раҳбарлик лавозимларида меҳнат қилмоқда. Юзлаб опа-сингилла-римиз “Ўзбекистон Қаҳрамони”, “Ўзе-бекистон фан арбоби”, “Ўзбекистон халқ ўқитувчиси”, “Ўзбекистон халқ шоири”, “Ўзбекистон халқ артисти” сингари давлатимизнинг юксак унвон, шунингдек, орден ва медалларига сазовор бўлган. Улар орасида 500 нафардан зиёд фан докторлари ҳамда академиклар, минглаб фан номзодлари ўз билими ва истеъдоди билан Ватанимиз равақиға йўлида астойдил хизмат қилиб келаётди.

Қувонарли томони, 2019 йилги пар-ламент сайловида Олий Мажлис Қонун-чилик палатасига сайланган 150 нафар депутатнинг 48 нафари ёки 32 фоизини энг муносиб ва ташаббускор хотин-қиз-лар ташкил этди. Маҳаллий Кенгашлар-даги депутатлик корпусларида ҳам ижо-бий натижаани, яъни хотин-қизларимиз иш-тироки сезиларли ошганини қўриш мумкин.

Мухтасар айтганда, бугун мамлақати-миз хотин-қизлари давлатимиз ва жа-мийятимизнинг ардоғида, эътиборида. Ўз навбатида, аёлларимиз юрт равақиға, жонажон Ўзбекистонимизни дунёға та-ништидек улғувор мақсадлар йўлида хор-май-толмай, зиммаларидаги масъулиятни қўқур ҳис этган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқда.

Зухра ИБРАГИМОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси
Спикери ўринбосари.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛҒОР ИННОВАЦИЯЛАР МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

ЖОРИЙ ЙИЛДА МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ БИОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИНИНГ ОДАМ ВА ҲАЙВОНЛАР ФИЗИОЛОГИЯСИ КАФЕДРАСИ ОЛИМЛАРИНИНГ ИККИТА ЛОЙИХАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ ГРАНТИГА ЛОЙИҚ, ДЕБ ТОПИЛДИ.

Ўзбекистон 2021 йилда “Глобал инновацион индекс” (“The Global Innovation Index”) рейтингда 132 та давлат орасида 86-ўринни эгаллади. Бу яхшими ёки акси, деган савол туғилиши табиий. Агар АҚШнинг Корнелл университети, Франциянинг “Insead” бизнес мактаби ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан юритиладиган мазкур рейтингга Ўзбекистон илк бор 2016 йилда киритилганини, 2015 йилда 122-ўринни, 2020 йил эса 93-ўринни эгаллаганини инобатга оладиган бўлсак, бу, албатта, юқори натижа ҳисобланади.

Аммо бу кўрсаткич чегара эмас. Ўзбекистон 2030 йилга қадар ушбу рейтингда етакчи 50 та давлат қаторига киришни мақсад қилган. Унга эришиш учун эса иқтисодиётни инновацион ривожлантириш бўйича махсус стратегия ҳаётга татбиқ этиляпти.

Иزلаниш

Икки кутбни бирлаштирган кўприк

Юртимизда ислохотларнинг янги босқичда илмий-техникий салоҳиятини ривожлантириш ва ундан самарали фойдаланиш масаласига иқтисодий юксалишнинг энг муҳим омили сифатида қаралмоқда. Айниқса, интеллектуал мулк яратувчилар фаолияти қўллаб-қувватланиб, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилаётгани оламшумул янгилликларга замин яратаяпти, десак, муболаға эмас.

Президентимиз ташаббуси билан МДХ давлатларида ҳам, Ўрта Осиёда ҳам шу пайтга-ча бўлмаган Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилгани бу борадаги ишларни сифат жиҳатидан юқори поғонага кўтарди. Натижада инновацион иқтисодиёт таъмоиллари амалиётга кенг татбиқ қилинаётир. Бунинг самаралари эса “Глобал инновацион индекс” баҳолаш рейтингидан ҳам эътироф этилмоқда. Юртимиз “Илм-фан ва муҳандислик соҳасида битирувчилар сони” ҳамда “Капитал-ни ялли таразда тўллаш” бўйича 7-ўрин, “Бизнесни йўлга қўйишнинг соддалиги” ҳамда “Меҳнат унумдорлиги” бораида 8-ўринни эгаллагани бунинг яққол тасдиғидир.

Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедраси профессори, академик Бақриддин Зариповнинг айтишича, шу пайтгача илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасида узаро алоқа узил-йиқ қолган эди. Анқироғи, ўртада пайдо бўлган жарилк оқибатида ишлаб чиқариш билан илмнинг узвийлигига путур етганди. Гарчи кўплаб илмий ишланмалар, ихтиролар яратилган бўлса-да, амалиётга татбиқ қилин-

маган. Мана, энди илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини чуқурлаштирадиган вақт келди. Бунинг учун янги Ўзбекистонда давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилмоқда.

Албатта, илмий ишни тўғридан-тўғри иқтисодиётга йўналтириш осон эмас. Лойиҳани стандарт ҳолга келтиргунча катта маблаг талаб этилади. Шунинг учун тадбиркорлар илмий ишларни сотиб олиш ёки амалиётда қўллаш масаласида ўзларини тийишади. Янги ишланмани амалиётга татбиқ қилиш ва шунга монанд технология яратиш эса доим қийин кечган. Ана шундай шароитда, хали синовдан ўтмаган махсулотнинг сотилмай қолиш эҳтимоли юқори бўлиб турган бир пайтда тадбиркорлар таваккал қилишни хоҳлайдими? Табиийки, йўқ.

Инновацион ривожланиш вазирлиги ана шу икки кутбни бир-бирига боғлайдиган кўприкка айланаётгани тўғрйли инновацион ғояларнинг ҳаётдаги акси тезлашди. Илмий изланишлар иқтисодиёт тармоқларидаги реал муаммолар ечимига йўналтирилиб, янги-янги ихтироларга замин яратилаяпти.

Юксак эътибор ва рағбат меваси

Илм аҳлининг алоҳида эътироф этишича, ноёб ихтиролар, иқтисодиётнинг ривожланишига хизмат қиладиган ишланмалар илмий тадқиқот учун қўлай шарт-шароит мавжуд жойдагина яратилади. Шу мезон билан ўлчанганда, ҳеч иккиланмасдан, юртимизда ихтиролар ўлкаси, деяр таъриф беришга тўла ҳаққимиз. Негаки, мамлакатимизда илм-фан

ва ишлаб чиқариш интеграциясига алоҳида эътибор қаратилиб, интеллектуал мулк муаллифлари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб келинмоқда. Бу эса уларни эртанги кунимиз бугунгидан-да нурафшон бўлишга хизмат қиладиган илмий ишланмалар кластерини яратишга ундайtir. Биология фанлари номзоди, доцент Болта Қаҳҳоров раҳбарлигида Ўзбекистон Миллий университети биология факультетининг Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедрасида яратилган “Йирик шоҳли қорамоллар озукасига биокўшимча сифатида ишлатиладиган пептид боғламига эга биостимуляторлар яратиш” лойиҳаси ана шу эътибор ва рағбатнинг мевасидир.

Мазкур лойиҳа Инновацион ривожланиш вазирлигининг Илмий фаолиятга оид давлат дастурлари доирасида 2021 йилда бажариладиган амалий лойиҳалар танловига ғолиб, деб топилди. Ҳўш, ушбу амалий лойиҳанинг илмий янгилиги нимада? Унинг қандай афзалликлари бор? Амалиётга қўлланилган, қандай натижалар беради?

Ававало, шунчи таъкидлаш керакики, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва экологик мувозанатнинг бузилиши дунё афкор оммаси олдида кўндаланг турган энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Инсоният бунинг салбий таъсириларига ҳар қадамда дуч келаётir. Масалан, атроф-муҳитдаги тоқсинлар таркибининг ошиб бориши нафақат одамлар, балки ҳайвонлар орасида юлмуҳи касалликларнинг қўпайишига олиб келяпти. Метаболик жараёни меъёраштирашчи, хусусан, ҳайвонлар ва кушлар иммун тизимини мустаҳкамлаш учун юқори биологик фаол биостимуляторларни яратишни тақозо қиляпти. Асосий талаб — улар келиб чиқishi табиий бўлиб, салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

Президентнинг 2019 йил 28 мартдаги “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 ноябрдаги “Ветеринария дори воситалари ва озукa қўшимчаларининг ҳафсизлиги тўғрисидаги умумий техник регламенти таъкидлаш ҳақида”ги қароридан ҳам дори воситалари ва озукa қўшимчалари ҳафсизлигини таъминлаш, тайёр дори воситаларини ишлаб чиқариш ва барқарор етказиб

бериш орқали озукa махсулотлари сифатини ошириш вазифалари белгилаб берилган.

— Биз тақлиф этган илмий ишланмани ана шу талаблардан келиб чиққан ҳолда яратганмиз, — дейди олим Болта Қаҳҳоров. — Яъни экологик тоза доривор биостимулятор яратиш ва ишлаб чиқариш кўзда тутилган. У пептид бирикмалар боғламига эгалиги боис қорамолнинг сут ва биомасса миқдорини оширишга хизмат қилиши билан турдошлардан ажралиб туради. Шу маънода, бизнинг ишланмамиз асосида олинадиган биостимуляторни ҳам сутчилик, ҳам бўрдоқчилик йўналишидаги чорвачилик ҳўжаликларида бемалол қўллаш мумкин. Қолаверса, ёш қорамоллар, жумладан, бузоқларга ҳам жуда фойдали бўлиб, тез ўсиши ва вазн олишига ёрдам беради.

Сир эмаски, бугунги кунда чорвачилик ҳўжаликларидаги асосий муаммолардан бири — гўшт ва сут маҳсулотлари еттиштириш ҳажмини ошириш ҳамда сифатини яхшилаш, пировардида дунёда энг долзарб бўлиб турган озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдир. Чунки мамлакатимизда аҳоли жсон бошининг орттиши туфайли ушбу махсулотларга талаб ҳам тобора ўсмокда. Юқорига ўрлаётган ана шу эҳтиёжни қорамоллар организми иммун тизимини мустаҳкамлаб, юқори маҳсулдорликка эришиш орқали таъминлаш мумкин. Дунёнинг барча ривожланган давлатларида қорамоллардан соғлом насл олиш, гўшт ва сут еттиштириш миқдорини қўпайтириш, сифатини яхшилаида биостимуляторлардан унумли фойдаланилади. Юртимизда ҳам бундай махсулотларга эҳтиёж юқори бўлиб, у импорт ҳисобидан қопланади. Ўзбекистон Миллий университети олимлари яратган лойиҳа асосида импорт ўрнини босувчи дори воситаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилса, катта миқдорда валюта тежаслишига, энг асосийси, чорводорларни арзон ва сифатли биостимуляторлар билан барқарор таъминлаш имконияти пайдо бўлади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, унинг ёрдамида нафақат қорамоллар махсулдорлигини ошириш, балки ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқаришда замо-

навий тажриба-экспериментал лабораториясини ривожлантириш, амалиётга самарали даволаш усулларини олиб кириш мумкин.

Эътиборлиси, ушбу илмий иш республика-мидаги энг йирик “Rash Milk” чорвачилик кластери ҳамда Самарқанд ветеринария медицинаси институти олимлари билан биргаликда олиб борилиши мўлжалланаётгани диққатга сазовор.

Ёш олимнинг ихтироси

Хабарингиз бўлса керак, Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ййли”да амалга оширишга оид Давлат дастури ижроси доирасида Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан “Бўлажақ олим” танлови эълон қилинганди. Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилган ушбу танлов ғолибларини ушбу танлов ғолибларини қийнда эълон қилинди. Улар орасида Ўзбекистон Миллий университети биология факультетининг Одам ва ҳайвонлар физиологияси кафедрасининг ёш ва истеъдодли таън докторанти Гулсара Аҳмедова ҳам бор.

Изланувчан олимнинг “Шакар ўрнини босувчи моддалар асосида қонда гипергликемия чақирмайдиган озиқ-овқат махсулотларини ишлаб чиқариш” лойиҳаси танлов ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. Сабаби у кейинги пайтда қўпайиб бораётган семизлик, қандли диабет каби касалликларнинг олдини олишга хизмат қилиши билан тахсинга сазовор.

Ёш олимнинг фикрича, шакар — ушбу хасталикларнинг онасидир. Негаки, метаболизм бузилиши билан боғлиқ касалликлар, асосан, шакарни қўп истеъмол қилиш оқибатида келиб чиқади. Аммо ундан буткул воз

кечиб ҳам бўлмайди. Бу ҳам саломатлик учун зарар.

— Инсон физиологиясини таҳлил қиладиган бўлсак, ширин таъм учун организмда махсус тизимлар бўлиб, ширин таъмини сезиш учун алоҳида рецепторлар гуруҳи, ҳазм ва сўрилиш учун ҳам алоҳида ферментатив тизим ишлайди, — дейди ёш олим. — Шунинг учун ҳам, ширин таъмдан бутунлай воз кечиш организмнинг физиологик, психологик ҳолати учун зарарлидир. Шулардан келиб чиққан ҳолда, организмда рецепторлар сезувчанлигини қондирадиган, лекин гипергликемия чақирмайдиган хавфсиз махсулотлар ишлаб чиқармоқчимиз. Бундай озиқ-овқат махсулотлари икки босқичда амалга оширилади. Биринчи босқичда ишлаб чиқаришга мўлжалланган модданинг ҳазм хусусиятлари, қондаги қанд миқдорига таъсири, истеъмолга яроқлилиги каби хусусиятлари тадқиқ қилинса, иккинчи босқичда тайёр махсулот ишлаб чиқарилади.

Мен илм қадр топган юртингн ёш олимаси эканлигимдан faxрланаман. Президентимизнинг ёшларга қўрсатилган ишончини оқлаш, берилаётган кенг имкониятларига муносиб жавоб қайтариш, жонажон Ватанимиз раънақига хизмат қиладиган фидойи мутахассислар қаторида бўлиш учун бор имкониятларимни ишга соламан...

Кўриниб турибдики, мазкур илмий ишланманинг соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, аҳоли соғлигини мустаҳкамлашда роли гоъят катта. Негаки, у асосида истеъмолда зорида янги бўлган хавфсиз озиқ-овқат махсулоти ишлаб чиқариш мумкин. Мўҳими, уни қандли диабет билан оғирганлар ҳам бемалол истеъмол қилса бўлади.

Ушбу инновационда юртимиз олимлари томонидан яратилаётган озиқлаб илм-фан янгилликларида бир мисол, холос. Уларнинг амалиётга жорий этилиши иқтисодий-иқтисодий соҳаларни ривожлантириш, рақобатбардошлигини ошириш, мавжуд муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Зеро, истеъдодли инсонлар мамлакатнинг бебаҳо бойлиги ҳисобланади. Президентимиз айтганидек, илм ҳамда изланиш бўлмаган жойда ҳеч қандай ривожланиш, юксалиш ва умуман, бирор-бир соҳанинг келажаги бўлмайди.

Саид РАҲМОНОВ, журналист.

ЭЪЛОН

АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг устувор вазифаларидан биридир

Одамлар дардини эшитиш, уларни қийнаётган муаммоларга ечим топиш бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, айнаи шу таъмоил асосида кўрилаётган чора-тадбирлар, кейинги тўрт-беш йил ичида кишлоғу овулларга, хонадонларгача кириб бормоқда.



Молия муассасаларида

Изчил иқтисодий-иқтисодий ислохотлар, шунингдек, банк-молия бозориди руй бераётган шиддатли ўзгаришлар аҳоли билан ишлашда банк ходимларидан энди кабинетда, компьютер қаршиида ўтириб, қандайдир ҳисоб-китобларни олиб борувчи ҳодим эмас, балки юксак маданиятли, мижоз билан юқори савияда ишлаш оладиган, аҳоли ва тадбиркорларнинг мурожаатларига малакали жавоб берадиган етук мутахассис бўлишини тақозо этмоқда.

Шунингдек, бюрократик ва сансалорлик ҳолатларини бартараф этиш ва тезкор, сифатли банк хизматларини қўрсатиш мақсадида банкнинг мобил иловалари (жисмоний шахслар учун “МКВ Mobile”, юридик шахслар учун “МКВ Mobile Business”) янгиланган версиялари ишга туширилди.

Ушбу мобил иловалар орқали жисмоний ва юридик шахслар учун онлайн ре-

— конверсия операциялари, валюта курсларини билиб туриш, халқаро пул ўтказмаси орқали келган пул маблағларини пластик картага банкка келмасдан ҳам қабул қилиш хизматлари мавжуд.

Қолаверса, банкимиз бош офисида ва қўйи бўйин филиалларида жисмоний ҳамда юридик шахсларни раҳбарият ва тегишли масъуллар томонидан ҳар куни қабул қилиш ташкил этилган.

Шу билан бирга, банкимизда сектор раҳбарлари билан биргаликда маҳаллабай ва пастанд юқорига таъмоил асосида ишлаш йўлга қўйилган. Бу жараёнда аҳолининг муаммоларини тинглаш ва жойида ўзил-кесил хал қилиш мақсадида бевосита аҳоли яшаш пунктларида, маҳаллаларда урчашувлар уюштирилмоқда.

Айнаи пайтда маҳаллабай ва фуқаробай ишлаш тизими асосида ишсиз аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш бўйича банк агенти тизими яратилган. Бугунги кунда маҳаллабай тизими асосида 696 нафар банк агенти фаолият юритмоқда. Улар томонидан микромолиявий хизматлар турлари, тарифлари, онлайн режимдан фойдаланиш йўллари тўғри-

“Бугунги кунда “Микрокредитбанк” АТБнинг 2025 йилгача бўлган ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилган бўлиб, унда муассасамизни тадбиркорлик субъектининг ҳақиқий бизнес ҳамкорига айлантириш орқали банк хизматлари бозориди рақобатбардошлигини таъминлаш ва бу орқали замонавий рақамли тижорат банкига айлантириш кўзда тутилган.”

жимиди кредитлар ажратиш имконияти мавжуд бўлиб, тургун савдо фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларга 1 йил муддатга, жисмоний шахсларга 3 ой муддатга бўлган онлайн револьвер кредитлар ажратилмоқда.

Бундан ташқари, мобил илова орқали онлайн режимиди уйда туриб, телефон орқали уяли алоқа операторларига, интернет провайдер ва рақамли телевидениега, коммунал хизматларга, бюджетга тўлов қилиш;

— банкимиз томонидан ажратилган кредитларни сўндириш;

— ҳисоб рақам ҳолатини кўриш ва текшириш;

— омонат қўйиш, омонат қолдиқлари ва унга ёзмилаётган фоизларни кўриш;

— картдан картага пул ўтказиш, карта кўриш-чиқимини мониторинг қилиб бориш, “Ucard” ва “Himo” карталарини блокка қўйиш ва блокдан чиқариш, “HimoPay” хизмати орқали (“Android” смартфонларда) “Himo” карталаридан контактсиз тўловларни бажариш, оилавий карталарга лимит қўйиш;

сиди аҳолини мунтазам хабардор қилиш ҳамда кредит турлари, банк омонатлари ва бошқа банк хизматлари тўғрисида буклетлар, брошюралар кенг омма эътиборига ҳавола этиляпти.

Энг муҳими, фаолиятимизда фуқароларнинг қонуний маънафатларини ҳимоялаш, уларни қийнаётган муаммоларини бартараф этиш, адолатли қарор топтиришга алоҳида эътибор қаратилаятир. Шу боис ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг шикоятларини қабул қилиш ва улар ечими юзасидан тезкор чоралар кўриш мақсадида “Ишонч телефони” фаолияти йўлга қўйилган.

Қувонарлиси, ҳукуматимиз томонидан бириктирилган туманларда уйма-уй юриш орқали, банк хизматлари тақлиф қилиниши натижаида минглаб оилалар ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва доимий даромад манбаини шакллантириш имкониятига эга бўдиллар.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда давлат раҳбари ташаббуси билан “темир дафтар”, “аёллар дафтари” ва “ёшлар дафтари” ташкил қилиниб, мазкур “дафтар”ларга кири-

тилган фуқаролар билан ишлаш тизими яратилгани оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, ишсиз фуқароларни касб-ҳунарга ўқитиш, ишга жойлаштириш истагини билдирган ишсизлар бандлигини таъминлаш ва аҳолининг ўзини ўзи банд қилишида муҳим аҳамият касб этаётir.

Мисол учун, Бухоро вилоятининг Ромитан туманидаги “Тошработ” маҳалла фуқаролар ййғинига қарашли Қорахоний кишлоғида яшовчи фуқаро Д. Ҳомитов “темир дафтар”га киририлган. У чорвачилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли кредит ажратишнинг сўраб бизга мурожаат этди. Фуқаронинг ушбу мурожаати ўрганилиб, уч йил муддатга, 6 ой имтиёзли давр билан 24,1 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилди.

Шунингдек, Самарқанд вилоятининг Пастдарғон туманидаги “Чарчих” маҳалла фуқаролар ййғинида яшовчи фуқаро Г. Ибодуллаева “аёллар дафтари”га киритилган бўлиб, паррандачилик фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида имтиёзли кредит сўраб мурожаат қилди. Фуқаронинг мурожаати ўрганилиб, 1000 бош кўза олиш учун 1,5 йил муддатга 18 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит ажратилиб, унинг доимий бандлиги таъминланди.

Яна бир мисол. Банкимизга бириктирилган Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш ҳамда уларнинг турмуш даражасини яхшилаш мақсадида фуқаролар билан суҳбатлашчи мобайнида “ёшлар дафтари”га киритилган Яқкатўр маҳалласининг 26-уй, 14-хонадонида яшовчи фуқаро С. Омонова тадбиркорлик қилиш истагини билдирди. Фуқарога тикувчилик фаолиятини йўлга қўйиш учун 25,4 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Бугунги кунда фуқаро ўз иши ва даромад манбаига эга.

Бундай мисолларни яна қўллаб келтириш мумкин. Бироқ бугунги кунда мурожаатлар билан ишлаш бораида қилинган ишларни ҳали етарли, деб бўлмайди. Келгусида ҳам мурожаатлар билан ишлаш тизимини тубдан ўзгартириш мақсадида аҳоли учун микромолиявий хизматлардан фойдаланиш жараёни янада соддалаштирилади, хизмат кўрсатиш маданияти юксалтирилиб, улардан фуқароларнинг қонинқи даражаси бундан-да оширилади. Умуман айтганда, сектор раҳбарлари билан биргаликда маҳаллабай ва хонадонбай ишлаш тадбирлари узлуксиз давом этирилади.

Рустам СУЛАЙМОНОВ, «Микрокредитбанк» АТБ бошқаруви раиси ўринбосари.

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ўрнида

Тошкент шаҳрида озиқ-овқат таъминотини янада яхшилаш ва ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш мақсадида, улгуржи харид қилиб, арзонлаштирилган нархларда қайта савдони ташкил этиш учун Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги «Муниципал активларни бошқариш маркази» ДУК бирламчи озиқ-овқат махсулотларидан ўсимлик ёғи бўйича етказиб берувчи таъминотчи корхоналар билан очик танлов савдоларини ўтказди.

Танлов савдоларида ғолиб бўлган корхона ва ташкилотларга Тошкент шаҳар озиқ-овқат таъминоти ҳамгармаси маблағлари асосида товар нархининг 30 фоиз миқдорида субсидия шаклидаги тўловлар амалга оширилади. Мазкур очик танлов савдоларида қатнашиш учун махсулот ишлаб чиқарувчилар ҳамда махсулот етказиб берувчи корхона ва ташкилотларни тақлиф этамиз.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар:

1. Шартномани бажариш учун зарур техникавий, молиявий, моддий, кадрлар ресурсларининг мавжудлиги.
2. Шартнома тузиш учун қонуний ҳуқуққа эгалик.
3. Солиқлар ва ййғимларни тўлаш бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги.
4. Ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомилларининг мавжуд эмаслиги.
5. «Қора рўйхат»га тушмаган ижрочиларнинг ягона реестрда қайд этилмаганлиги.

Танловда қатнашувчилар жорий йил 4 ноябрь куни соат 18.00 га қадар етказиб берувчи корхона номи, махсулот турлари ва махсулот ҳажми ҳамда нархлари қўрсатилган тартибда тижорат тақлифи 2 та конвертга алоҳида-алоҳида солиниб, муҳрланган ва имзоланган ҳолда қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин. Танлов савдолари 2021 йил 5 ноябрь куни соат 16.00 да қуйидаги манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Ислон Каримов шоҳқўчаси, 55-уй, 9-қават, 904-хона, Жасур Бойсинов. Телефон: 97-712-94-16.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ҳодими, Қорақалпоғистон халқ шоири **Улмамбет ХўЖАНАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлирига чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институти жамоаси институтининг бош мутахассиси, иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент **Александр Николаевич ЛИНинг** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинлирига чуқур таъзия изхор этади.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1048. 30 471 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

Гезитимиз ҳақидаги маълумотларни юкляб олиш учун QR-қўднинг телефониинг орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

Тахририятга келган қўёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Гезитнинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Гезита тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақдлазанди.

Гезитнинг полиграфик ҳижадатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исламов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси